ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00851

ДЕЙКСИС ҲОДИСАСИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНИ

Г. Ф. Болтақулова
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дейксис ҳодисаси лингвистик талқин қилиниб, бунда дейктик бирликларнинг турлари ҳамда лексик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дейксис, замон, анафора, контекст, мулоқот, нутқ маркази, сўзловчи, тингловчи.

LINGUISTIC INTERPRETATION OF THE DEXICATION EVENT

ABSTRACT

This article provides a linguistic interpretation of the deixis phenomenon, analyzing the types and lexical-semantic features of deictic units.

Keywords: dexterity, tense, anaphora, context, communication, speech center, speaker, listener.

КИРИШ

Сўнги йилларда жаҳон тилшунослигида дейксис ҳодисаси турли ёндошувлар асосида талқин қилинмоқда ва бу ушбу мураккаб ҳодисанинг турли жиҳатларини тасвирлашга имкон яратмоқда. Умуман, дейксис ҳодисаси билан фалсафа, мантиқ, психология тилшунослик, адабиётшунослик каби турли фанларнинг диққат марказида турганлигини эътироф этмоқ керак. Тилшуносликда дейксис бир нечта йўналишларда ўрганилиб келинмоқда ва булардан энг кенг тарқалгани систем–структур йўналиш бўлиб, унда дейктик бирликларнинг турлари ҳамда лексик–семантик хусусиятларга эътибор қаратилиб, мазкур бирликларнинг алоҳида тиллар тизимида тутган ўрни ўрганилади. Кейинги даврларда кенг кўламда тарқалаётган функционал–семантик йўналишнинг истиқболи яққол кўзга ташланиб турибди, унинг доирасида темпорал дейксис категориясининг туб моҳиятини англаш осон кечмоқда. Чунки функционал–семантик ёндошув системавийлик тамойилига қаътий амал қилишни ҳамда шу аснода тил элементларини ўзаро боғлиқликда қарашни талаб қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00851

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дейксис категориясини типологик кўринишда ўрганишнинг яна бир муҳим томони дунё тилларини ушбу категориялардан фойдаланиш меъёри нуқтаи назаридан таснифлаш имкони туғилишида намоён бўлади. Бинобарин, С.Левинсон ёзма коммуникация шароитида замоннинг қайси дақиқаси (нутқнинг шаклланиш ҳолатини ёки унинг қабул қилинишими) асос сифатида олинишига нисбатан тилларни икки гуруҳга ажаратади [5],[4]. Бизнинг фикримизча, дейксис тил тизимининг морфологик ёки лексик сатҳларига ҳос ҳодиса бўлмасдан, балки унинг вазифавий қатламидан ўрин олган ва нутқий мулоқот муҳитида фаоллашадиган ҳодисадир.

Анъанага биноан дейксис нутқий акт кечишининг замон ва макон кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда таърифланади. В. А. Виноградовнинг “Лингвистик луғат”да берган таърифига биноан “дейксис матннинг ички тузилишига қарам бўлиб, кўрсатиш ёки ишоранинг контекстуал майдонида воқеланади” [3]. Бундай вазифани бажарувчи лисоний бирликларни “дейксис иборалар” деб аташ анъанаси мавжуд.

Америкалик тилшунос Ч. Филлмор дексиснинг шахс, макон, темпорал, социал ва дискурсив турларини фарқлайди. Дискурсив дейксис бевосита матн билан боғлиқ бўлмасдан, лексик ва грамматик элементлар танлови билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Унинг фикрича, дейктик иборалар оғзаки ва ёзма нутқда турлича фаоллашади [2]. Дейксисни турларга ажратиш анъанаси давом этмоқда. Масалан, Д.А. Акеельруд, И. Холлидей кабилар вазият дейксисини матн дейксисидан фарқлаш тарафдоридирлар [3]. Биринчи турдагиларга шахс, макон ва замон дейксислари кирса, матн дейксиси сифатида эса гаплар ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи воситалар қоралади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Келтирилган таснифлардан маълум бўладики, дейксис доирасига турли кўринишдаги ишоралар киритилади. Бу, биринчи навбатда, мулоқот иштирокчилари, яъни сўзловчи ва тингловчига ишора бўлиб, у шахс олмошлари воситасида ифодаланади. Бошқа турдаги дейксис нутқ предмети, яъни объект ёки одамга ишора бўлиб, унинг ифода воситаси учинчи шахс олмошидир. Дейксиснинг энг кўп тарқалган кўринишида воқеа– ҳодисаларнинг замон ва макондаги ўрнига ишора фаоллашиб, равиш от ва бошқа категориал бирликлар иштирокини талаб қилади. Санаб ўтилган барча ҳолатларда нутқий тузилма мазмунда акс топадиган ташқи дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00851

мўлжалини олади. Бундан ташқари, дейксис матннинг ички тузилишида намоён бўладиган муносабатларини ҳам акс эттириши мумкин ва бунда дискурс қисмларининг семантик боғланиши таъминланади.

Нутқий фаолият кечишини дейктик иборалар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки нутқий акт замон ва маконга ишорасиз ўз вазифасини бажара олмайди. Субъект, замон, макон каби тушунчаларнинг моҳияти инсон ҳақидаги тасаввурда, унинг иштирокида намоён бўлади. Аммо ҳануз дейксиснинг уч асосий тури, яъни шахс, замон ва макон дейксислари тадқиқи ўз долзарблигини йўқотганча йўқ. Ушбу дейксис турларини ифодаловчи лисоний бирликлар биринчи ва иккинчи шахс олмошлари (I-мен; you-сиз), локатив (here-there; шу ерда-у ерда) ва темпорал (now, then, befare, etc; ҳозир–олдин–кейин) иборалари жадал ўрганиб келинмокда.

Шахс дейксисини ифодаловчи бирликлар гуруҳларда барча тиллар тизимида мавжуд ва улар қаторига кўрсатиш олмошлари ҳамда учинчи шахс олмошлари киради. Иккинчи ва учинчи шахс олмошлари қўлланилганида эса сўзловчи ва адресатнинг коммуникатив жараённинг бевосита иштирокчиси эканлигига ишора қилинади. Макон дейксиси отли сўз бирикмалари ва бошқа иборалар иштирокида воқеланади: in this room–бу хонада, шунингдек, қарийб барча тилларда бу вазифани кўмакчилар (предлог, послелог ва ҳоказо) ёрдамида ҳосил бўладиган бирикмалар бажаради.

Тил тизимида дейксисни ифодаловчи бирликлар мажмуаси мавжуд бўлиб, бу мажмуадан шахс, замон, маконга ишора маъносига эга бўлган луғавий бирликлар билан бир қаторда, морфологик воситалар, жумладан, шахс, замон, даража каби грамматик категориялар кўламидаги қўшимчалар, “функционал” сўзлар ҳам ўрин эгаллайди. Шунинг билан биргаликда, моҳиятан дейктик бўлмаган баъзи бирликлар ҳам шу вазифада келиши кузатилиб турилади. Бундай бирликлар қандай бўлишидан қатъий назар контекстга мос келиши керак. Ҳатто, морфологик унсурлар, қўшимчалар ҳам бу хусусиятга эга бўлиши шарт. Морфологик элементлар гаплар дейктик мазмун олишга хизмат қилади. Масалан, The inflation rate in the UK is 2,5 % “Буюк Британия инфиляция даражаси 2,5 фойизни ташкил қилади” гапини талаффуз қилаётган сўзловчи воқеа кечаётган вақтга ишора қилади.

Прагматикага оид ишларда кўпчилик ибораларнинг маъноси уларнинг қўлланишида аниқ кўриниш олиши таъкидланади ва шунга биноан қарийб барча луғавий бирликларни маълум даражада дейктик, деб қараш мумкин. Масалан, Everyone had a good time – “Ҳамма вақтини яхши ўтказди” туридаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00851

гапларни эшитганимизда everyone– “ҳамма” маросимга қатнашган шахсларни англатишини тушунамиз. Албатта, таъсирчанликнинг қайси кўринишлари сўзлар маъносига тегишли эканини аниқлаш қийин. Лекин, миқдорий кўрсаткичлар дейктик хусусиятига эгалигига гумон қилмаса ҳам бўлади ва улар доимо конекстуал изоҳга муҳтождирлар.

Муҳими дейктик бирликлар маълум вазиятларда дейктик маънодан холос бўлишлари мумкин ва бунда ушбу бирликлар анафорик мазмунга эга бўладилар. Анафорик мазмунни оладиган бирликлар дейктик вазифани бажарилаётганларида гап таркибида бошқа бир бирликнинг дейктик маъносини қабул қилиб оладилар. Бинобарин, Have you read the American Tragedy? That is a good book. Are we there yet? тузилмасини эшитиб, уни тўғри тушуниш учун контекстга мурожаат қилишга мажбурмиз. Чунки ўзининг ҳозир эгаллаб турган жойи, ҳақида гапираётган киши here равишини қўллаши лозим. Бу ерда there элементи масофага ишора қилувчи бирлик сифатида қўлланмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон тилшунослигида дейксис тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд, дейктик ибораларнинг қўлланилиши айрим коммуникация фаолиятининг аспектларида, экстралингвистик контекстнинг хоссаларида ёки фикр контексти ёки нутқ фаолиятининг хусусиятларида намоён бўлади. Дейксис ҳолатнинг марказида сўзловчи ёки китобхон туради ва унинг макон ва замонда ўрин олиши бошланғич нуқта бўлиб қолади. Дейксис сўзловчининг нутқ фаолияти жараёнида маълум маконда жойлашганлигини ҳамда шу ҳаракатининг аниқ бир замонда бажарилишини ёки бажарилмаслигини белгилайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, дейксис микроматнда дискурс даражасида ўрганилиши лозим.

REFERENCES

1. Виноградов В.А. Дейксис // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – 128 с.
2. Сидорова. М.Ю. Временной порядок и темпоральность. www.URL:http://www.book – ua.old
3. Haliday M. An Introduction to Functional Grammar. – L.: Oxford University Press, 2004. – 421 p.
4. Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge University Press, 1995. – 483 p.
5. Levinson Stephan G. Pragmatics. Cambridge: Cambridge University Press, 1983.-419p.